

**“Тасдиқланган”**  
**"Urganch yog'-moy" АЖ**  
**акциядорларининг 2014 йил 11 июлдаги**  
**навбатдан ташқари умумий**  
**йиғилиши билан**

**"Urganch yog'-moy" акциядорлик**  
**Жамиятининг Тафтиш комиссияси тўғрисидаги**  
**Н И З О М И**

**1. Умумий булим.**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, давлат бошқарув органларининг қонуний ҳужжатлари ва акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ ишлаб чиқарилган.

1.2. Низом акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг функциялари, таркиби, ваколоти, акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари билан ўзаро муносабатини белгилайди.

**2. Тафтиш комиссиясининг масъулияти.**

2.1. Тафтиш комиссияси жамиятнинг ички органи ҳисобланиб, жамият ва унинг таркибидаги бўлимлар, филиаллар ва ваколатхоналарнинг фаолияти юзасидан молиявий - ҳўжалик ва ҳуқуқий назоратни амалга оширади.

2.2. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат бошқарув органларининг қонуний ҳужжатлари, жамиятнинг низоми ва бошқа ҳужжатлари, акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинадиган, тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар асосида амалга оширади.

**3. Тафтиш комиссиясининг таркиби.**

3.1. Тафтиш комиссияси жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

3.2. Тафтиш комиссиясининг таркиби 3 кишидан иборат бўлади. Тафтиш комиссияси йиллик умумий йиғилишда сайланиб, кейинги йиллик умумий йиғилишгача фаолият кўрсатади.

3.3. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари – иқтисодий маълумотга эга бўлиши ва/ёки бухгалтерлик лавозимида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши лозим. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортик сайланиши мумкин эмас.

3.4. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият ижроия органи аъзоси, кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

**4. Тафтиш комиссиясининг вазифалари.**

4.1. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

4.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

4.4. Ўз вазифаларини бажариш чоғида Тафтиш комиссияси қўйидаги ишларни амалга оширади:

- акциядорлик жамияти томонидан тузилган шартномалар, амалга оширилаётган битишувлар, контрагентлар билан бўладиган ҳисоб - китобларнинг қонунийлигини текшириш;

- бухгалтерия ва статистик ҳисоботнинг мавжуд норматив ҳужжатлар билан мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- акциядорлик жамиятининг молиявий ҳужжатларини текшириш, мол-мулкни инвентаризация қилиш ҳужжатларини бухгалтерия ҳисоботининг дастлабки ҳужжатлари билан таққослаш;

- хўжалик - молия ишлаб чиқариш фаолиятида ўрнатилган меъёрий ҳужжатлар, қоидалар ва бошқаларга риоя қилинишини текшириш;

- акциядорлик жамияти молиявий ҳолатини, унинг тўловга қобилиятлигини, активларининг ликвидлиги, хусусий ва заём маблағларининг нисбатини таҳлил қилиш, корхона иқтисодий ҳолатини яхшилаш резервларини аниқлаш ва акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари учун тавсияномалар ишлаб чиқиш;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан бюджетга тўловларнинг тўғри ва ўз вақтида амалга оширилиши, дивидендларнинг ҳисобланиши ва тўланиши, бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш;

- акциядорлик жамияти балансининг тайёрланишини, солиқ инспекцияси, статистика органлари ва давлат бошқарув органларига топшириладиган ҳисобот ҳужжатларининг тўғрилигини текшириш;

- акциядорлик жамияти ижроия органи қабул қилган қарорларнинг ҳаққонийлигини, уларнинг акциядорлик жамияти Низомига ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилган қарорларга мувофиқлигини текшириш;

- акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан мос келмаган ҳолларда қарорларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

- жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш.

## **5. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатлари.**

5.1. Тафтиш комиссияси ўз функционал вазифаларини амалга ошириш борасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш ;

- акциядорлик жамияти бошқарув органларидан, бўлимлар мутахассисларидан, Тафтиш комиссиясининг иши учун зарур, унинг функционал вазифалари ва мажбуриятларига мувофиқ бўлган барча ҳужжат ва материалларни олиш. Кўрсатилган ҳужжат ва материаллар ёзма сўровдан кейин 3 кун ичида Тафтиш комиссиясига тақдим этилиши шарт;

- агар хўжалик, ишлаб чиқариш, молия, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар ёки акциядорлик жамияти манфаатларига зид ҳолатлар аниқланса, ушбу масалаларни ҳал қилиш учун акциядорлик жамияти бошқаруви мажлиси, кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишини ваколатли шахслардан талаб қилиш;
- хўжалик, ишлаб чиқариш, молия, ҳуқуқ фаолиятида қонунбузарлик фактлари аниқланса ёки акциядорлик жамияти манфаатларига зарар етказиш хавфи пайдо бўлганда қабул қилинган қарор асосида акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш;
- Тафтиш комиссиясининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича акциядорлик жамиятининг хоҳлаган аъзосидан, шу жумладан мансабдор шахслардан тушунтиришлар талаб қилиш;
- акциядорлик жамияти штат лавозимларида турмаган мутахассисларни комиссия ишига шартнома асосида жалб қилиш;
- акциядорлик жамияти бошқарув органлари ва бўлимлари олдида акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинган йўриқномалар, низомларнинг хизматчилар, мансабдор шахслар томонидан бажарилиши борасида масала қўйиш.

## **6. Тафтиш комиссиясининг мажбуриятлари.**

6.1. Тафтиш ва текширувлар ўтказиш пайтида тафтиш комиссияси аъзолари, текширувга тааллуқли бўлган барча ҳужжат ва материалларни чуқур ўрганишлари шарт. Нотўғри хулосалар учун тафтиш комиссияси аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида жавобгардирлар.

6.2. Берилган ваколат муддати тугамасдан туриб, тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз фаолиятини тўхтатадиган бўлса, бу ҳақда у бир ой олдин кузатув кенгашига маълум қилиши шарт. Бу ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ўзининг яқин орадаги мажлисида тафтиш комиссиясига янги аъзо сайланади.

6.3. Тафтиш комиссияси:

- амалга оширилган текширув ва тафтишлар ҳақидаги, бошқарув органлари мажлислари ҳақидаги маълумотларни ёзма ҳисобот, доклад кўринишида акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига етказиб туриши шарт;
- ўз вазифаларини амалга ошириш чоғида, хизмат вазифаси юзасидан хабар топган, тижорат сири ҳисобланган махфий маълумотларни тарқатмаслиги шарт;
- акциядорлик жамияти манфаатларига муайян хавф туғилган вақтда ёки мансабдор шахсларнинг ўз хизмат мавқеини суистеъмол қилганликлари фактлари аниқланганда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилишлари шарт;

6.4. Тафтиш комиссияси бухгалтерлик ҳисоби ва молия ҳисоботини тайёрлаш тартиби ва қоидаларига риоя қилган ҳолда, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши чақирилишидан камида 10 кун олдин, йиллик ҳисоботлар ва баланс тўғрисида ўз хулосасини беради. Ушбу хулосасиз умумий йиғилиш жамият бухгалтерия балансини тасдиқлаш ҳуқуқига эга эмас.

## **7. Тафтиш комиссиясининг мажлислари.**

7.1. Тафтиш комиссияси барча масалаларни ўз мажлисларида ҳал қилади. Тафтиш комиссиясининг мажлислари тасдиқланган режа асосида шунингдек текширувлар олдида ва текширувлар якуни бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг аъзоси тезда ҳал қилиниши керак бўлган қонунбузарлик фактини аниқлаган вақтда комиссиянинг навбатдан ташқари мажлисини чақиришни талаб қилиши мумкин.

7.2. Тафтиш комиссиясининг мажлиси, унда комиссия аъзоларининг 50% дан кам бўлмаган аъзолари қатнашганда қонуний ҳисобланади.

7.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Тафтиш комиссиясининг далолатнома ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий овоз бериш йўли билан тасдиқланади. Овоз тенг бўлиб қолганда, тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси, мажлис қароридан норози бўлган тақдирда бу тўғрида мажлис баёнида қайд қилиш ва бошқарув, кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишини огоҳ қилиш ҳуқуқига эга.

7.4. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан раис ва котибини сайлайди.

7.5. Тафтиш комиссиясининг раиси :

- тафтиш комиссиясининг мажлисини чақиради ва олиб боради;
- тафтиш комиссиясининг кундалик ишини ташкил қилади;
- комиссия номидан бошқарув йиғилишида, кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишларида иштирок этади;
- комиссия номидан чиқариладиган ҳужжатларни имзолайди.

7.6. Тафтиш комиссиясининг котиби:

- комиссия мажлислари баёни олиб борилишини ташкил этади;
- тафтиш комиссиясининг акт ва хулосаларини жойларга етказди;
- ўз номидан чиқаётган ҳужжатларни имзолайди.